

“ТАСДИКЛАЙМАН”
“Электрон онлайн-аукционларни
ташкил этиш” АЖ директори


С. Муродов
“27” 05 2025 йил

Тошкент–Наманган йуналишидаги А-373 автомагистралининг Поп тумани қарашли “Қамчиқ” довонида “Е-auksion” ёзувли стеллани тайёрлаш ва ўрнатиш хизматини сотиб олиш бўйича энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

I. Танлаш бўйича умумий маълумотлар

1. Тошкент – Наманган йуналишидаги А-373 автомагистралининг Поп туманига қарашли “Қамчиқ” довонида “Е-auksion” ёзувли стеллани тайёрлаш ва ўрнатиш хизматини сотиб олиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш.

2. Буюртмачи: “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖ.

3. Хизмат кўрсатиладиган жой (манзил):

Наманган вилояти Поп тумани.

4. Кўрсатилган хизмат натижаси, кафолати:

Ижрочи томонидан техник топшириқда келтирилган дизайн ва ўлчамларда “Е-auksion” ёзувли стеллани тайёрлаш ва ўрнатиш хизматини буюртмачи билан келишилган муддатларда жойлаштириш, реклама жойлаштирилгани тўғрисида фото ҳисобот тақдим этиш, икки йил давомида ушбу конструкцияга хизмат кўрсатиш.

5. Асосий шартлар

Шартнома суммаси қатъий белгиланади ва шартноманинг амал қилиш муддати давомида ўзгартирилмайди.

Шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда техник топшириқда келтирилган дизайн ва ўлчамларда “Е-auksion” ёзувли стеллани тайёрлаш ва ўрнатиш ва икки йил давомида унинг бутун ва сифатли ҳолатини таъминлаб бериш.

6. Хизмат кўрсатиш натижалари ва хизматни қабул қилиш ва топшириш тартиби.

Хизматларни қабул қилиш Буюртмачи томонидан тасдиқланган дизайнга мослигини кўрсатувчи фотосуратлар ва натижаларига асосан расмийлаштирилган бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳисобварақ-фактура асосида амалга оширилади.



НАРХ ҚИСМИ

1.	Хизматларнинг максимал қиймати	400 000 000 (тўрт юз миллион) сўм ҚҚС билан.
2.	Молиялаштириш манбаи	Ўз маблағлари
3.	Тўлов шартлари	Шартнома имзоланган санадан 10 (ўн) банк иши куни давомида шартноманинг умумий суммасини 30% миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади, қолган 70% тўлов хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим этилган ҳисобот ва ҳисобварақ-фактура ҳамда бажарилган ишлар юзасидан тузилган қабул-қилиш далолатномаси асосида 10 (ўн) банк иши куни давомида амалга оширилади.
4.	Тўлов валютаси	UZS
5.	Хизмат кўрсатиш муддати	Ижрочининг ҳисоб рақамига аванс тўлови тушган кундан бошлаб 30 календарь куни.
6.	Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили	100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 6-уй


Техник топширик



МЕТАЛЛ КАРКАС . . .



РАЗМЕРЫ



Энг яхши таклифларни танлаш техник топширик:

1. Умумий маълумотлар:

Наманган вилояти Поп туманида ўрнатиладиган “E-auksion” ёзувли стелла учун фойдаланиладиган акрил ёнувчи (чироқли) ҳарфларнинг техник характери:

Орқа қисми – акп(алюкафон) 4 мм қалинликдаги айланма учун v-80 рамкада – (метал қувур) профил 20*20*1,5 мм метал трубади v-80mm пример-эмал. Куқунли бўёқ.

Ҳарфнинг юз қисми – акрил 4 мм (LG кореа).

Ҳарф бўйи - 300 см

Ҳарфлар ораси - 70 см

Бетон қоплама ва ҳарф ораси - 100 см.

Ҳарфлар 2540 см кенгликда жойлашади.

**стелла чизмаси ўлчамлари билан техник топшириқда кўрсатилган.*

Ҳарфлар қотириладиган метал каркас ўлчами:

Бўйи - 400 см.

Эни - 200 см.

Стелла бетон қопламага метал каркас ёрдамида қотирилади ва қуёш энергиясидан қувватланадиган бўлиб тунда ёнадиган ҳарфлар ўрнатилади. Стеллани яшаш ва ўрнатишда тоғли ҳудуднинг иқлими, қуёшнинг тик тушиш ҳолати ҳамда шамолнинг

юқори тезликда эсиши ҳисобга олиниши шарт. Мустаҳкам қурилиши учун Ижрочи жавобгар ҳисобланади.

**стелла учун мўлжалланган металл каркас чизмаси ва ўлчамлари техник топшириқда.*

2. Харид қилиш кўзда тутилган барча товарлар ва хизматлар етказиб бериш муддати:

Шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой ичида стелла тайёрланиб ўрнатилади. Ўрнатилган стеллага хизмат кўрсатиш муддати 2 йил.

3. Товарлар (ишлар, хизматлар) амалга ошириладиган манзил:

Тошкент – Наманган йўналишидаги А-373 автомагистралининг Поп туманига қарашли “Қамчик” довонида.

4. Шартлар:

Техник топшириқда кўрсатилган ҳажмдаги бетоп қоплама, металл каркас ва ҳарфларни сифатли маҳсулотдан тайёрлаб сифатига кафолат бериш.

Кафолат муддати 5 йил.

5. Бажаришнинг чегаравий муддатлари:

1. Стелла учун бетон қоплама қуйиш, металл каркас ясаш ва ҳарфларини тайёрлаш ва буларнинг барчасини ўрнатишга шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой муддат берилади.

2. Ўрнатилган стеллага техник хизмат кўрсатиш муддати 2 йил.

6.Таклифларни тақдим этиш муддати:

Давлат харидларининг электрон тизимига эълон жойлаштирилган кундан бошлаб 5 иш куни давомида.

7.Таклифларни амал қилиш муддати:

Таклифларни қабул қилиш тугаган вақтдан бошлаб 90 кун.

Бошқарма бошлиғи

З.Жўраев